АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

1995 йил, 20 май, № 7

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

• Партия ҳаётидан

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

18 май куни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашида Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна қабул қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев жаноб элчига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил гапирди.

Доктор Карл Хайнц Куна Германия социал-демократик партияси ва Германиядаги бошқа партиялар тўғрисида сўзлаб берди. Элчи жаноблари икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар иқтисодий сиёсий, маданий соҳаларда янада ривожланади, деб умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси билан Германия социал-демократик партияси ўртасида алоқаларни кенгайтириш, партияларнинг ўзаро делагация алмашиш йўли билан бир-бирининг иш тажрибасини ўрганиш лозимлиги таъкидланди.

Дўстона вазиятда ўтган учрашувда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, Сиёсий Кенгаш котиби Улуғбек Дониёров иштирок этишди.

Бугунги сонда:

2-бет: Кўзини ёғ босганлар

3-бет: Сизга қандай автомобиль керак? Ойнаи жаҳонда

4 -бет: Соғ бўлай десангиз... «Қочоқ»оталар

ҚОЗОҒИСТОН ДЎСТЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

● Қозоғистон пойтахти жамоатчилиги ва меҳнат жамоаларининг намояндалари бу ерда ўтказиладиган республикамиз кунлари иштирокчиларини гул, табассум ва самимий табрик сўзлари билан кутиб олдилар.

20 май куни Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг расмий очилиши маросими бўлади. Унда иккала республика Президентлари иштирок этади.

(Ушбу воқеага бағишланган туркум материалларни газетамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ХАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Молия вазирлигининг молия ва пул сиёсати институти Президенти Эйсукэ Сакакибара бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва унинг дастлабки натижалари ҳақида сўзлаб берди.

***

16 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Словакия Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Сергей Козлик бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар талай эканини айтди. Сергей Козлик Словакия ҳукумати Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни, жумладан, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва ўзаро сармоя сарфлаш соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

***

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларидаги «Кейс» компанияси Президенти Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов асосан қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кейс» компанияси билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўзлар экан, бу борада катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

***

Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Клинтон, Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Уммон Султони Қобус Ибн САИД, Сурия Араб Республикаси Президенти Ҳофиз ал АСАД, Қувайт давлати валиаҳд шаҳзодаси ва Бош вазири Саад ал Абдулла ас Салим ас САБОҲ, Тунис Республикаси Президенти Зайн ал-ОБИДИН ибн АЛИ, Малайзия Бош вазири Маҳатхир ибн Муҳаммад ва унинг рафиқаси Сити Хасмах Бинти Ҳожи Муҳаммад Алилар самимий қутлов йўлладилар.

***

Хўжалик ихтиёрида қолдириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда уларнинг мустақиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хўжаликлар ихтиёрида қолдиладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмаларини тугатиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

***

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш ҳаражатларини ундириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинди.

***

1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

Қарорга кўра бу йилги олинадиган ҳосилдан бир тонна буғдойнинг харид нархи 2000 сўм, бир тонна жавдарнинг харид нархи 1730 сўм, бир тонна арпанинг харид нархи 1600 сўм қилиб белгиланди.

***

16 май куни Тошкентда Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди ва нутқ сўзлади. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Вазирлар Маҳкамаси тармоқлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхона раҳбарлари иштирок этдилар.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов 17 май куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Нгуен Ван Дак ВСР Миллий Мажлисининг Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасида парламентлараро муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш тўғрисидаги истагини етказди.



Урганч ипак ишлаб чиқариш фабрикасининг моҳир тўқувчиси Нигора Бердиева билан дугоналари ҳақли равишда фахрланадилар. Бонси ёш ишчи интизом ва сифатни доимо улуғлайди. Шунинг учун ҳам у тайёрлаётган маҳсулотлар доим жамоанинг муносиб баҳосини олади.

Суратда: тўқувчи Нигора Бердиева иш устида.
Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

СОЦИАЛ - ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Туб ислоҳотлар ҳаётимизга тезлик билан сингиб бормоқда. Муҳим силжишлар дунёнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Бу ҳаракатлантирувчи куч — халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатли яшаши учун, ўз тақдирини ўзи белгилаши учун азалий курашидир.

Шуни фахр билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Ҳамдўстликда биринчилардан бўлиб, тўла мустақилликка эришиш йўлини танлади. Республика демократик принципларга асосланган ҳуқуқий жамият қуришга фаол киришилди. Тоталитар тузумнинг қолдиклари супуриб ташланмоқда, кўпартиявийлик, ғоя ва фикрлар хилма-хиллигига эътибор кучаймоқда. Якка мафкура ҳукмронлигига чек қўйилди. Умуминсоний қадриятларга муносабат, инсон ҳуқуқлари ва озодлиги, дунёда тан олинган демократик нормаларга амал қилиш кун сайин реал воқеликка айланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг сиёсий харитасида ҳақиқатдан ҳам кўппартиявийлик вужудга кела бошлади. Жумладан, 1991 йилнинг I ноябрида Ўзбекистон халқ демократик партияси, 1992 йилнинг баҳорида «Ватан тараққиёти» партияси ташкил топди. 1995 йилнинг 18 февраль куни Тошкентда «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис қурилтойи бўлиб ўтди. Партия аъзолари сафида қўплаб депутатлар, академиклар, олимлар, зиёлилар, давлат идоралари хизматчилари, шифокорлар, тадбиркор-ишбилармонлар бор.

Партия социал-демократик ғояларга содиқ қолган ҳолда ижтимоий тенглик принципларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун, ҳар қандай ижтимоий ривожланишнинг ибтидоий усулларига қарши курашни ўз вазифаси, деб билади.

Республикамизда социал-демократик партиянинг ташкил топиши бизни бундай партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг тарихига мурожаат қилишга ундади.

XIX асрнинг 70-йилларида Европа мамлакатларининг кўпчилигида, Америка Қўшма Штатлари ва Японияда капитализм қарор топган эди. Хуллас, дунёдаги деярли барча давлатлар у ёки бу формада капиталистик тузумга боғланган эди.

XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX асрнинг бошида саноат тезлик билан ривожлана бошлади. Бу ўз навбатида пролетариат сафининг ўсишига олиб келди. Ва пролетариатнинг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураши социал-демократик ҳаракатнинг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлди. Бир вақтнинг ўзида социал-демократик ва ишчи партиялари тузила бошлади.

1864 йилнинг 28 сентябрида I Интернационал ташкил топди. Бу Лондонда Сент Мартинс Холледаги митингда рўй берди. Аввал бу ташкилотнинг номи «Ишчиларнинг Халқаро Дўстлиги» деб аталиб, барча мамлакатларда яширин ҳолда фаолият кўрсатди. Унинг «Таъсис манифести» ва «Вақтли Низоми» Европада социал-демократик ҳаракатнинг ривожланишида катта роль ўйнади.

Париж коммунасининг мағлубиятидан сўнг инқилоб маркази Франциядан Германияга кўчди. Бу ерда бугунгача ўз ўрнини йўқотмаган катта ва эътиборли социал-демократик партия тузилди.

XIX асрнинг охирида социал-демократик ҳаракатда бир неча йўналишлар кўзга ташлана бошлади. Буни айниқса Европада энг кекса ҳисобланган Германиядаги социал-демократик ҳаракат мисолида кўриш мумкин. Унда икки хил йўналиш мавжуд эди.

Уларнинг биринчиси 1891 йилда Эрфуртда қурилтойда қабул қилинган ва Эрфурт дастури номини олган дастурдир. Бу дастурнинг асосий мақсади, синфлар ва синфий ҳукмронликка барҳам беришдан иборат. Иккинчи томонда эса баварялик Фольмарга ўхшаган социал-демократлар жамиятни социализм йўлидан «гармоник» ривожлантиришга чақирдилар. Улар инқилоблардан воз кечишга ундадилар. Ҳукуматни либерал-буржуазия билан ҳамдўстликда амалга ошираётган ислоҳотларни кучайтиришга чорладилар.

Бу позицияни албатта К. Маркс ва унинг сафдошлари қувватлади. Улар социал-демократик ҳаракат бошлангандаёқ бошқариш жиловини ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Ва бу тушунарли. Ахир марксизм ўзи пайдо бўлган чоғданоқ муросасиз синфий кураш эълон қилди. Улар учун террор ва қарама-қарши томонларнинг қуролли тўқнашуви ҳақиқат эди. Улар учун масалани очишнинг қонли йўлдан бошқа формалари йўқ эди.

Бундан ташқари марксизм фақат ўзининг «синфий» душманларига эмас, балки собиқ сафдошларига нисабатан ҳам шафқатсиз эди. Кимки ҳукумат билан ҳамкорлик қилишни ҳоҳласа (ҳатто кейинроқ бўлса ҳам) — оппортунист (албатта синфий душман ҳам), марксизм қоидаларига озгина эътироз билдирса-ревизионист (у ҳам синфий душман) деб атала бошлади. Шундан сўнг марксизмнинг «догма эмас»лигини қандай исботлаш мумкин? Шундай қилиб, кўриб турибмизки, социал-демократик партиялар ўз фаолиятларини бошлагандаёқ бир хил бўлмаганлар. Бу айниқса II Интернационал фаолиятининг энг яхши даврида, унинг раҳбарлари қурашнинг парламент шаклининг аҳамиятини ошириб кўрсатишга мойил эдилар, улар Маркс ва Энгельс таълимотининг муҳим томонлари-пролетариат диктатураси ҳақида, буржуазия ҳарбий-бюрократик машинасини инқилоб йўли билан синдириш зарурлиги ҳақида гапирмасликни афзал кўрардилар».

Айни шу даврда Германия, Франция ва бошқа мамлакатларда ишчилар партияларининг сайловларида эришган улкан ютуқлари ҳам ёрдам бермади. Бироқ, деб таъкидланади ўша «Всемирной истории»да, бу ютуқлар «ўзўзича хавфли бўлиб, социалистларнинг муайян қисмида пролетариат, сайлов қоғозларидан фойдаланибоқ, ҳар қандай шароитда ҳокимиятни қўлга олишлари мумкин деган хом хаёлни туғдиради».

Кўринадики, марксизм ҳеч қачон ўзининг бузғунчилик ҳаракатларидан чекинмаган.

Аммо марксистлар ўз мухолифларини (яъни оппортунистларни) қанчалик лаънатлашмасин, барибир марксистларнинг синфий кураш ва террор ижтимоий тенгликка эришишнинг ягона йўли деган ғояларининг жуда кўп нуқталари шубҳа уйғотди ва бу ўз навбатида марксизмнинг айрим йўл-йўриқларини кўриб чиқиш ҳоҳишини туғдирди. Ана шунда янги: «Ошкора оппортунизм — ревизионизмдир», деган тушунча пайдо бўлди. Бу тушунчанинг келиб чиқиши немис социал-демократи Эдуард Бернштейн билан боғлиқ. Албатта, бу терминни у ўйлаб топгани йўқ, балки туғилишига сабабчи бўлган. Қай тариқа? Унинг «Социализмнинг шарт-шароитлари ва социал-демократларнинг вазифалари» китоби босилган эди. Бернштейн унда моҳияти марксизмни инкор этган пала-партиш ҳатти-ҳаракатларни муайян тизимга сола билди ва бунга рад этиб бўлмайдиган далиллар келтирди.

Бироқ бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Далил-исботлар шу қадар ишончли ва қатъий эдики, ҳатто II Интерноционалнинг таниқли назариётчиси К. Каутский ҳам Бернштейнга қарши гап айтишдан олдин анча-мунча иккиланди. Унинг китоби 1898 йили март ойида чиқди, ўша йили июнь ойида эса Франсияда социалист (ёхуд социал-демократ) Мильеран Вальдик-Руссо ҳукумати таркибига кирди. Бу социал-демократнинг буржуазия ҳукуматига киришининг биринчи воқеаси Бернштейн баён этган принципларнинг амалдаги дастлабки натижаси эди. 1909 йили II Интернашионал конгрессида унинг «аҳлоқи» масаласи муҳокамага қўйилган бўлса-да, мунозаралар Интернационал ичида унинг тарафдорлари оз эмаслигини кўрсатди.

Шундай қилиб, II Интернационал ичидаги қарама-қаршиликлар уни ҳалокатга олиб келдики, айниқса уруш ва тинчлик масаласидаги зиддият жуда кескин бўлди. Бироқ Интернационал ташкилот сифатида таназзулга юз тутди. Социал-демократик ҳаракат эса ўсди ва кенгайди, жаҳон жараёнларида социал-демократик партияларнинг таъсири ошиб борди.

Бу айниқса, иккинчи жаҳон уруши, аниқроғи, фашизм устидан ғалабага эришилгач, яққол сезила бошладики, зеро, бу жаҳоншумул ғалабанинг ўзи дунёда социал-демократиянинг ривожи учун улкан аҳамият касб этди. Бироқ унинг назарий соҳасида «илмий коммунизм» позициясидан узоқлаша бориш ҳолати юз берди.

80-йилларда бир қанча мамлакатларда (Франция, Испания, Греция) ҳокимият тепасига келган социал-демократик партиялар бир қанча жиддий демократик ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни амалга оширди.

Ҳозирги вақтда ҳам социал-демократик мавқеи баланд сиёсий кучлардан бири бўлиб қолаётир. Улар мустақил ёки бошқа партиялар билан иттифоқда тез-тез ҳукуматларни бошқариб келаётир.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу борадаги ишларнинг ҳаммаси ҳам қўнгилдагидек эмас. Англия социал-демократик партияси — лейбористлар ўзларининг ҳукумронлик мавқеларини консервативларга бериб қўйди. Европадаги қарийб барча мамлакатларда етакчи мавқега эга бўлган социал-демократия бизнинг назаримизда, Европа мамлакатлари ва халқларини бирлаштиришга етарли даражада ҳаракат қилмади ва қилмаётир. Зеро, умумевропа уйи ҳақида гаплар бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу масала социал-демократия томонидан аср бошидаёқ кун тартибига қўйилган эди.

Назаримизда Европа социал-демократияси жаҳон ҳамжамиятида тобора мавқеи ўсиб бораётган Осиё мамлакатларида социал-демократия тараққиётига кўпроқ эътибор қаратиши лозим. Бундан қатъий назар социал-демократик ҳаракат инсоният тараққиети тарихининг шонли саҳифаларидан жой ола билди. Вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиши аниқ. Инсоният учун «синфий кураш» қимматга тушди. Инсоният тинчликда, тотувликда яшашни ҳоҳлайди ва у социал-демократиядан ғоятда миннатдорки, социал-демократия пайдо бўлган пайтларданоқ, муроса қилишга, ҳамкорликка, инсониятни оғир фожиаларга олиб келадиган ҳодисалардан эҳтиёт бўлишга даъват этди. Бугунги кунинг вазифаларини теран ифодалаб, XX асрнинг пешқадам демократи Андрей Сахаров шундай деган эди: «Умумжаҳон ҳалокати жаридан четлашиш, цивилизацияни ва планетада ҳаётни асраб қолиш — ҳозирги замон дунё тарихининг энг зарур шартидир».

Ҳозирги замон дунё социал-демократик партиялари орасида янги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси пайдо бўлди. Унинг номиёқ шуни англатадики, бу партия ижтимоий адолат учун курашни ўзининг бош принципи, деб ҳисоблайди. Бу жиҳат эса бугунги кунда ғоят муҳимки, зеро, республикамиз Президенти Ислом Каримов айтганларидек, «Энг муҳим вазифа — республикада қадам-бақадам халқона адолатли жамиятни барпо этишдир.»

Зайниддин ИСЛОМОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор.

ДИҚҚАТ! ОБУНА!

«АДОЛАТ»

СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Бош нашри — «АДОЛАТ» ИЖТИМОИЙ — СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА 1995 йилнинг иккинчи ярми учун

1 ИЮНДАН ОБУНА БОШЛАНАДИ.

«АДОЛАТ» газетаси ҳафтада бир марта, шанба кунлари чиқади.

Унинг ярим йиллик ОБУНА БАҲОСИ қуйидагича:

— шахсий обуначиларга 6 ойга — 56 сўм.
Индекс — 64597.

— корхоналар ва ташкилотлар учун 6 ойга — 83 сўм.
Индекс — 64598.

Сиз «АДОЛАТ» газетасига истаган алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

• Фельетон урнида

БЎШАГАН МУРУВАТ

Ёки Андижонда ёнилғи қачонгача талон-тарож қилинади?

Уз уйини ёнилғи омборига айлантириб, мўмай даромад орттириш васвасасига учраган Н.Исмоиловга «маслакдош» бир зумда топила қолди. Пулнинг қўрига маҳлиё бўлиб, 3800 литр бензинни ҳовлисига тушираётганда прокуратура ходимлари томонидан қўлга олинди. Асака шаҳар техника таъминоти базасидан талон-тарож қилинган бу маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди. Мугомбирларнинг найрангги ўтмади: бензинни «Адда» кичик корхонасига берилганлиги ҳақида эртаси куни улар тўғрилаган ҳужжат қалбаки бўлиб чиқди.

— Н.Исмоиловга ҳомийлик қилган Марҳамат туман нефть маҳсулотлари базаси тақсимловчиси З.Зайнобиддинов ўз мансабини суистеъмол қилиш шундай хунук оқибатларга олиб келишини бунгача ўйлаб кўрмаган ҳам экан. — дейди Андижон вилояти прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори Маҳмуд Орзибоев. — Аччиқ қисматдан энди у бемалол хулоса чиқариб олади.

Ҳамтовоқларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган, жиноят оламига бошлаган нарса — нафс балоси. Афсуски, Андижонда бу йўлга кириб, ўз ҳаётини тахликага солаётган, оёғи остидагидан нарини кўролмаётган ношуд кимсалар оз бўлсада учраб турибди. Уларнинг меҳнатсиз даромад орттириш йўлидаги қингир ҳаракатлари охир-оқибат ана шундай кўнгилсизликларга олиб келмоқда. Нефть маҳсулотларини талон-тарож қилишга қарши қаттиқ кураш олиб борилаётганига қарамай ҳамон ўгирланаётган ёнилғи-мойлаш материаллари энди ўнгланиб бораётган иқтисодиётимизга катта зарар келтирмоқда. Ўтган йили вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан 177 нафар шахс нефть маҳсулотларини қонунсиз равишда четга олиб чиқиб кетмоқчи бўлганларида ушландилар. Улардан 4 тоннадан зиёд бензин, 10 тоннадан ортиқ дизель ёқилғи ва ўн тонна бошқа турдаги ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари мусодара қилинди. Бундан ташқари талон-тарож қилинган 121603 литр нефть маҳсулотларининг қиймати айбдор шахслардан ундириб олинди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнилғи мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талаблари қўпол равишда бузилаётганлигига асло бефарқ қараб бўлмайди, — дейди Маҳмуджон Орзибоев сўзида давом этиб. — Асака нефть маҳсулотлари билан таъминлаш базасига қарашли 19-автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида текшириш ўтказилганда, ходимларнинг лавозим йўриқномаси йўқлиги аниқланди. Бу ерга яна яқин орадаги шохобчалар жойлашган ерларнинг схемаси қўйилмаган, мавжуд телефон ишламайди. Радио карнай ўрнатилмаган. Ёнгинга қарши кураш воситалари етарли эмас. Андижон туманидаги Норин-Қорадарё сув иншоотлари бошқармасининг нефть маҳсулотлари сақланадиган омбори ҳам шундай аҳволда. Резервуарлар атрофига тупроқдан тўсиқ қўйилмаган. Бунинг устига винтеллари яхши беркитилмаганлиги туфайли нефть маҳсулотлари томчилаб, ҳужасизларча исроф қилинмоқда. Бундай камчиликлар бошқа шохобчаларда ҳам кўзга ташланади.

Халқимизда тўкилгандан томган ёмон, деган ақида бор. Зеро, нефть маҳсулотлари иқтисодиётимизнинг бугунги ривожи учун сув ва ҳаводек зарур экан, унинг талон-тарож этилишига, исроф қилинишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Афсуски, жойларда содир этилаётган ҳужасизлик, ўғирлик ва талон-тарож «Андижоннефтьмаҳсулот» вилоят корхонасининг иш йўсинларида ҳали ҳам бўшашувчанлик мавжудлигини кўрсатиб турибди. Унинг раҳбарлари халқ мулкини муқаддас билиб, ишда тартиб-интизомни йўлга қўймас эканлар, «Андижоннефтьмаҳсулот»нинг бўшаган муруватларидан бу бебаҳо бойлик томиб, талон-тарож қилинаверади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат»нинг махсус мухбири.

ҚОНДОШ - ЖОНДОШ ЭЛМИЗ ҚАДИМ КЕЗЛАРДАН, БАХТ ВА ОРЗУ АРИМАЙДИ КЎЗЛАРДАН

Бизлар буюк Турон диёрида униб-ўсган икки оғаини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштарақдир.

Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган шу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боққанлар, деҳқончилик қилганлар.

Не-не босқинларни, қирғинларни кўрган бу тупроқни ота-боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Оллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир.

Ислом КАРИМОВ.

Бугун Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси кунлари бошланади

Илгари яхлит бир халқ эдик, 350-400 йил муқаддам бизни ўзбегу қозоққа ажратиб ташлашди, тарихимизни унутишга мажбур қилишди (Худога минг шукурки, энди уни ўрганяпмиз). Шунинг учун ҳам олдимизда турган энг эзгу мақсадлардан бири мана шу халқларни бирлаштириш.

Айниқса, ҳозир ҳамамиз учун оғир бир шароитда ушбу муаммо ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Ва биз дўстим Ислом Каримов билан бу олийжаноб мақсадни амалга ошириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишга интиляпмиз.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

МУХТОР АВЕЗОВ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Мухтор Умархон ўғли Авезовнинг кўп қиррали ижодий фаолияти қардош халқлар адабиёти, шу жумладан ўзбек адабиёти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам машҳур адиб ва йирик жамоат арбоби Николай Тихонов: «Ўҳамкасбларини тез қамраб оладиган дилкаш инсон, айниқса, Осиё адабиётлари масаласида катта билимдон, буюк олим эди. ...Ў бутун ҳаёти давомида илм тўплади, шунинг учун ҳам унинг олдида ўзбек, туркман, тожик адабиётлари ҳамма сирларини оча берар эди», — деб ёзган эди ўзининг «Замонамизнинг буюк инсони» номли мақоласида.

Дарҳақиқат, Мухтор Авезов умрининг сўнгги дақиқаларигача Марказий Осиё адабиётларини, шу жумладан ўзбек адабиётини қунт билан кузатиб, ўрганиб борди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов, Миртемир ва бошқалар билан кенг алоқа боғлади. Уларнинг баъзилари билан энг яқин дўст, сирдош бўлди.

Мухтор Авезов 1922 йили Туркистон ўлкасининг маданий маркази ҳисобланган Тошкентга келиб, бу ердаги Урта Осиё Давлат университетининг (ҳозирги ТошДУ) шарқ факультетига ўқишга кирди. Орадан бир йил ўтгач, 1923 йили ўқишни Ленинград университетининг тарих-филология факультетида давом эттириб, у ерда академик В. В. Бартольд, А. Н. Самойлович, В. Шчерба, С. Обнорский, В. Виноградов сингари йирик шарқшунос олимларнинг лекцияларини тинглайди. 1928 йили университетни муваффақиятли тугатади ва уша йилнинг ўзидаёқ Тошкентга келиб, Урта Осиё Давлат университетида аспирант бўлади. Ў ҳақда ижодкорнинг умр йўлдоши Валентина Авезова ўзининг «Илк йиллар номли эсдалигида: 1928 йили кўкламда Мухтор университетни томолади, биз августда Тошкентга етиб келдик. Унда Мухтор Урта Осиё университетига кирди. ...Тошкентда биз ўрмончилик техникуми ҳудудида, Салор бўйидаги улкан ёнғоқзор боғда яшадик», — деб эслайди.

Мухтор Авезов Тошкентда бўлган пайтларида, уша йиллари Тошкентда қозоқ тилида чиқадиган «Шолпон» журналининг таҳририят аъзоси бўлиб ишлайди ва шу журналда, шунингдек, 20-йилларда Тошкентда чоп этилган «Ақ жол» газетасида ўзининг бир қанча мақола ва ҳикояларини, очеркларини эълон этади. Бу ўринда ёзувчининг «Ким айбли?», «Тунги овул» каби ҳикоялари билан «Қозоқ қалам соҳибларига», «Қозоқ адабиётининг бугунги аҳволи» каби мақолаларини эслаш кифоядир.

1923 йили Тошкентда унинг «Кундошлар» номли драматик асари босилиб чиқади. У 1924 йили профессор Ю. Вагнернинг «Ернинг яратилиши ҳақидаги ҳикоялари» номли китобини қозоқ тилига таржима қилади ва нашр эттиради. Айниқса, адибнинг 1945 йили «Қоракўз» номли драматик асарининг илк бор Тошкентда намойиш этилиши икки қардош халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Адибнинг «Қараш-Қараш воқеалари» номли машҳур повести билан «Абай» драмасининг ёзилиши, шунингдек, Абай Қунонбоевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги илк қалам тебратишлари, «Кўк ёл» ҳикояси билан қирғиз халқ эпоси «Манас» ҳақидаги биринчи изланишлари ҳам ижодкорнинг Тошкентда яшаган даврларига тўғри келади.

Унинг устига Мухтор Авезов 1929 йил Урта Осиё Давлат университети қошида ташкил топган «Кедей айнаси» (қозоқ тилида) альманах саҳифаларида ҳам фаол иштирок этиб, унинг 4-сонида ўзининг «Урта Осиё университетининг ўқувчи ва ўқитувчилари» номли мақоласини эълон қилади.

Ўзбек ёзувчилари билан бўлган алоқасини кенг авж олдириб, Тошкентда ўтказилган ҳар хил симпозиум ва конференцияларга, ўзбек ёзувчиларининг съезд ва пленумларига, турли адабий мунозараларда ва кенгашларда фаол иштирок этиб, ўзининг қаламкаш дўстлари — Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов, Миртемир, Асқад Мухторлар билан яқин алоқа боғлайди. Улар ижодини қунт билан кузата бориб, улар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб туради.

Маълумки, 1944 йил Тошкентда ўтказилган Урта Осиё халқлари дўстлиги ҳафталигида Мухтор Авезов ҳам фаол қатнашса, 1948 йили улуғ шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллик тантанасининг Қозоғистонда ўтказилишида Мухтор Авезов катта жонбозлик кўрсатади. Чунки у, мазкур юбилей маросими муносабати билан шоир ғазаллари билан достонларини қозоқ шоирларига, жумладан, Абдулла Тожибоев, Холижон Бекҳожи, Жаҳон Сиддиқов, Утебой Турмонжонов ва бошқаларга таржима эттириб, унинг «Танланган асарлари»ни қозоқ тилида чоп эттиришда яқиндан ёрдам беради. Ўзи, мазкур асарга сўз боши ёзиб, унда буюк шоирнинг ижодий фаолиятини, қозоқ шоирларига қилган самарали таъсирини кенг ёритади.

У 1958 йил Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциясига Ғ. Мусрепов, А. Тожибоев, М. Қоратоев, А. Нурпеисов, Ж. Мулдагалиев каби қозоғистонлик ёзувчиларга бош бўлиб иштирок этади, ва анжуманда маъруза қилади. У конференцияда гапирар экан, унда унинг халқаро аҳамиятига кенг тухталади. Урта Осиё ва қозоқ ёзувчиларининг асарлари ҳақида фикр юритади.

Ҳақиқатдан ҳам Мухтор Авезов умрининг сўнгги дақиқаларигача ўзбек қаламкашларининг асарларини қунт билан ўқиб, улар қўлга киритган ютуқ ва зафарларидан завқ-шавқ оладиган ўзбек адабиётининг энг яхши дўсти бўлди.

Дарҳақиқат, қардош халқ ижодкорларининг, шу жумладан ўзбек ёзувчиларининг дурдоналарини иштиёқ билан кузатиб, уларга алоҳида қизиқиб қараган Мухтор Авезов, ёш истеъдодларни танлай билди ва уларга катта ғамхўрлик қилди. Ёшларнинг маҳорат сирларини кенгроқ тушуниб, халқлар дўстлиги ва бародарлигини ғоят эъзозлади. Бу ўринда таниқли ёзувчи Примқул Қодировнинг «Семруғ қанотлари» номли хотирасидаги қуйидаги мисраларга назар солсак, у яна ҳам аниқроқ намоён бўлади. Масалан у: «Буюк қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг ёш адибларга, шу жумладан, менга ҳам кўрсатган ғамхўрлигини эласам, афсонавий қуш Семруғ эсимга тушади. Эртақдан маълумки, Семруғ ниҳоятда қудратли бўлади, ҳимоясиз ёш қушларни қаноти остига ўтқазиб, энг хатарли жойлардан олиб ўтади ва мисилсиз фидойиликлар билан уларни ғўзал бир манзилга етказиб боради. Мухтор Авезов менинг илк романим — «Уч илдиз»ни қўллаб-қувватлаганда мен ўзимни ана шу афсонавий Семруғнинг қаноатида парвоз этгандек шод ва бахтли сезган эдим», — деб ёзади.

Ҳақиқатдан ҳам Мухтор Авезов қардош ўзбек адабиётининг йирик адиблари билан ёш ёзувчилари яратган, бадиий жиҳатдан пишиқ ва мукаммал асарларини доимо қунт билан кузата бориб, уларни кенг китобхонлар оммасига, шу жумладан ўз она диёрига изчиллик билан тарғибот қилган байналмилал қалам соҳиби ва ўзбек адабиётининг энг яқин дўсти эди.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши раиси.

БИРЛИГИНГНИ МАҚТАЙИН

Сен ҳақингда ёзди ҳамма- мақтади,
Кеч бўлса ҳам сўз айтаман шаънингга.
Мақтамайман оппоқ бўлиқ пахтангни,
Оқ юрагинг ора кирар жонимга.

Асло дунё қувганинг йўқ депсиниб,
Бойлик дегани қўлнинг кири азалдан.
Мақтамайман бойлигингни қўпсиниб,
Қолишмайди ғўзаллигинг ғазалдан.

Уркач-ўркач қумларинг кўп саргайган,
Баланд тоғинг, зўр тўқайинг, оқ қайин...
Бош панасиз ўтмишингни қарғайман,
Тоғингнимас, мартабангни мақтайман.

Кенг осмонинг толдирар қуш қанотин,
Йираб-ўйнаб кезадиган даланг бор,
Бунинг учун ошиб-тошма, элатим.
Кенг феълингиз мақтайин эй, одамлар!

Археологлар тинмай қазиб ер остин,
Утмишингни жилд-жилд ёзиши тайин.
Қўрғонларинг бобларга ярашсин,
Мен бугунги бирлигингни мақтайин.

Кенесбой РАҲМОНОВ

ҚОЗОҚ МАҚОЛЛАРИ

- Ёлгиз юриб йўл топгунча, кўп билан бирга адаш.
- Супурги келса чанг қочар.
- Ботирлик билакда эмас, юракда бўлади.
- Ўқ етмас ерга қилич суғурма.
- Ёмоннинг берган ошидан — яхшининг айтган сўзи афзал.
- Яхшининг сўзи суюнтирар,
  Ёмоннинг сўзи куюнтирар.
- Икки киши баравар сўзласа, бирининг сўзини эшитолмайсан.
- Умидсизлик — уммон: бутунлай ғарқ бўласан,
  Қатъиятлик — қайиқ: ўтиргач сузиб ўтасан.
- Умид қилиш сувсиз ариққа хос.
- Яхши отнинг ёдини сақлагунча,
  Яхши йигитнинг орини сақла.

ИЛҲОМ МАНБАИ

Таниқли қозоқ шоираси Хонбиби Есенқораева икки қўшни халқнинг азалий дўстлиги ҳақида кўп шеърлар ёзган. Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси Тошкентда ташкил этган учрашувда муаллиф ўзининг ана шу асарларидан ўқиб берди. Таниқли шоира билан учрашувга республикамизнинг маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, хотин-қизлар қўмитасининг фаоллари келишди.

Хонбиби Есенқораева Чимкентда яшайди. Бироқ, уннинг ижоди Жанубий Қозоғистондан олисолисларда ҳам машҳур. Сўнгги йилларнинг ўзидагина шоиранинг шеърий тўпламлари турли нашриётларда ўзбек, рус, қирғиз ва украин тилларида нашр этилди.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги азалийдир. Учрашувда миллий уюшма раисининг ўринбосари Насиба Иброҳимова шу ҳақда гапирди. У Жанубий Қозоғистон вилояти билан алоқалар айниқса мустаҳкамлигини таъкидлади. У ерда аҳолининг каттагина қисмини ўзбеклар ташкил этади. Қўшни республикада яшаётган ўзбеклар ўзларини ўзбек халқи билан узвий боғлиқ ҳис этиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётига зўр қизиқиш билан қарашмоқда. Бу ишда уларга Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жамоат ташкилотлари ёрдам бермоқда.

Учрашув «бека»си — чимкентлик шоира тингловчиларга ўтган йили Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари чинакам дўстлик муҳитида ўтганини, унда ўзи ҳам иштирок этганини гапириб берди. Бугун бошланажак Ўзбекистон кунлари ҳам унутилмас бўлиб, дўстлик ришталарини янада маҳкам боғлашга хизмат қилади, деди у. Хонбиби Есенқораева қозоқ ёзувчилари номидан гапириб, дўстлик ва маданиятлар бирлиги байрами икки халқнинг ажралмас маънавий қардошлигини тасдиқловчи унутилмас воқеага айланиши учун бутун кучимизни сарфлаймиз, деб ваъда берди.

А. ИВАНОВА.

• Миллат руҳи

ЎЗБЕКИСТОН — КАЪБАМ МЕНИНГ . . .

У киши билан Тошкентдаги ер ости қасри — метрода тасодифан танишиб қолдим. Маданиятли, ўта замонавий зиёли, муҳожир ватандошимиздан эканлар.

Зуҳриддин ака Мирзо Обид ўғли асли водий томонлардан — Ўшдан. Аммо, тақдир шамоли бошига муҳожирлик тамғасини солиб, ярим дунёни кезиб чиққан. Ҳозирда Саудия Арабистонининг Риёз шаҳрида яшайди. Аммо, она Ватан, ота юрт бир зум бўлсинки, ҳаёлларидан чиқмайди. Шу боис бўлса керак. Туркистоний таҳаллуси билан ҳам машҳурлар. Камтар, хушмоомла, одам охун, ўта билимли, диёнатли. Дунё кўрган. Суҳбатимиз у кишининг ўзи ҳақидаги гаплари билан бошланди.

— Бобом Мирсаидбой савдогар бўлган, асли наманганлик.

Кўп бор тижорат учун Ушга борган ва уша ерда ўтроқлашиб қолган. Отам Мирзо Обид ҳам отаси ишини давом эттирган. Дукондор бўлган. Газмол дукони катта даромад келтирган. Онам Тожихон Ҳасанбой Шайх қизи эса асли ўшлик, 1923 йили отамнинг никоҳларига кирган. Мен 1929 йил баҳорда туғилган эканман. Мендан катта Ибодатхон опам ва Қурбонали акамлар бўлган. Онамнинг кўп бор эслашларича, биз бахти қаролар уша 1930 йилда ватандан жудо бўлган эканмиз. Бойларни, дўкондор-савдогарларни, тижоратчиларни сургун қилиш, қамаш ва қулоқ қилиш бошлангач, Хитой давлатининг Қашқар вилоятига ўтиб кетганмиз. Мен унда онамнинг қўлида чақалоқ эканман. Киндик қоним тўкилганлиги боисми, онам юртни қандай соғинса, мен ҳам шунчалик қўмсардим.

Эҳ, у кунлар ўтди. Ҳаммадан ҳам қийини, ватансизлик балоси экан. Ҳамма-ҳамма азобларни ўтказдик. Бир муддат Қашқарда яшадик. Кейин, Ҳиндистонга ўтдик. Биз каби муҳожирликда юрган юртдошларимиз сон-саноқсиз эди. У пайтларда ҳамма ўзини Туркистон фарзанди ҳисобларди. Ҳиндистоннинг Гилвит, Кашмир, Равилпинди шаҳарларида яшадик. Кейин, Покистоннинг Пешовар шаҳрига кўчиб бордик. Албатта, яшаш қийин эди. Унинг устига кўч-ҳа, кўч, йўл азоби. Афгонистонга кўчиб келдик, Қобулда яшай бошладик. Бу ерда Туркистондан келганлар жуда кўп экан.

— Ватанга қайтиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?

— Биз ғудакларнинг ҳам, катталарнинг ҳам суйган гурунгларимиз ватан ҳақида бўларди. Айниқса, онам юрт ҳақида шундай гапириб берардиларки, мен — Туркистон нималигини англаб етмасдан қувгинди бўлган норасида ва тенгдошларим ҳам шу юртни яхши кўриб қолардик, ўз-ўзидан соғинаверардик. Бора-бора тасаввуримга сиғмаган ана шу юртни, ана шу оламни соғиниб яшай бошладим. Ватан, у шундай сеҳрли кучки, у сени ўз бағрига тортиб турса, бошқа ҳеч қандай куч уни олдига тўсиқ бўла олмайди. Гарчи, Шуролар империясининг атрофи одам ўтиб бўлмас даражада ўраб ташланган бўлса-да, ўзимизни рухан ана шу юртда сезиб яшардик. Шу боис ҳам, менинг тилим ўзга юртларда ўзга эллар орасида чиққан бўлса-да, ўзбек тилини унутмадим.

Биз ўзбек муҳожирлари зўр бериб ўз она тилимиз йўқолиб кетмаслиги учун курашавердик. Кўча-куйда ўзга давлат тилида суҳбатлашсак-да, уйда фақат ўз тилимизда гапиришни одатга айлантиргандик. Туғилган болаларимизни ҳам шу йўлда тарбияладик. Бир кун келиб яна Ватан тупроғига қадам босишимизни ички бир туйғу билан сезардик...

— Илк бор Тошкент тайёргоҳига келиб қунган лаҳзаларим ҳеч ҳам хотирамдан учмаса керак. Негаки, ўзим кўрмаган, аммо гойибона ошиқ бўлиб интилганим, Ватан тупроғига, киндик қоним томган юрт пойтахтига қадам қўяр эканман, онамнинг ҳар сафар: «Болам, юртимизни жуда соғиниб кетдим. Зора, Ватан тупроғини кўзимга суртсам, бир обориб келсангчи» — дея ялинчоқ овозда нолаю-фиғон қилганларини янада чўқурроқ ҳис этдим. Минг, афсуски, онамга Ватанни қайта кўриш насиб этмаган экан. 82 ёшларида, 1985 йилда вафот қилдилар. Яна олти йил яшаганларида бормиармонлари ушалармиди?

Ёшлигимдаёқ онамнинг Ватан ҳақида айтган аллалари, нолалари билан улғайдим. Ҳар сафар онам алла айтганларида юракларимни ўртаб юборарди. Онам аллаларига қишлоқ ва шаҳар номларини, Туркистон ва Туркистондаги азизларни, ўз яқинлари исмларини қўшиб шундай айтардиларки, ҳар қандай эшитган одамнинг ҳам қалби сел бўлиб кетарди. Шу боис бир умр Ўзбекистонга талпиндим. Ўзбекистон дея яшадим. Бахтимиз бор экан, ҳурлик бизни Ватан тупроғига етаклаб келди. Ўзбекистон-азалдан дунёга маълум ва машҳур бўлган. Келажакда ҳам шундай бўлади.

— Мамлакатимиз келажагини қандай тассавур этасиз?

— Фақат, ана шу юртни гуллаб-яшнатишни, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни ўрганмоғимиз керак. Ўзбекистон-ёшлар давлати эканлигига ишондим. Ёшлар шунақа кўпки, мен ҳали дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатида бўлиб, бундай муъжизага дуч келмагандим. Ана шу ёшлар, Ўзбекистоннинг бахти, камоли, келажаги. Болаларни ҳеч иккиланмасдан чет давлатларга ўқишга юбориш лозим. Ана шу йўл билан Ўзбекистон жаҳон миқёсида тезда ўз ўрнига эга бўлади.

Ёшлар тил ўргансин, тадбиркор бўлсин, тижорат билан шуғуллансин. Ёшлари техникани, саноатни ўзлаштирган давлат-қудратли давлат эканлигини ҳам унутмайлик.

— Қандай ниятларингиз бор?

— Биласизми, мўмин-мусулмонлар ҳар йили Ҳаж зиёрати учун Макка ва Мадинага боришади. Менинг эса Маккам ва Мадинам Ўзбекистон. Ҳар йили зиёратга келиб тураман. Ўзбекистон-мен учун ҳар қандай зиёратгоҳдан аъло макондир. Насиб, бўлса, хусусий тиш қўйиш ва даволаш шифохонамнинг филиалини Тошкентда очмоқчиман. Нимагаки эришган бўлсам, барчаси Ўзбекистонга бўлган меҳрим туфайли. Шундай экан, барча бойликларим ҳам Ўзбекистонники...

Жалол ЯХШИБОЕВ
гурунглашди.

• ПОРА ВА ТАРТИБСИЗЛИККА ҒОВ ҚЎЯЙЛИК

КЎЗИНИ ЁҒ БОСГАНЛАР

Республика Прокуратурасининг тақдимномасига мувофиқ «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси кенгаши хизмат бурчига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган, бепарволик қилган, оқибатда қонунийликни кўп марта бузган, турли суиистеъмолликлар, ўғирлик, хомашёни, маҳсулот ва маблағни талон-тарож қилишга сабабчи бўлган мансабдор шахсларни ва тармоқ корхоналари раҳбарларини қаттиқ жазолади. Мансабини суиистеъмол қилишда ва қонунни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан бир неча жиноий иш қўзғатилди...

Тармоқда текшириш ўтказган мутахассислар бу ерда амалга оширилган қайта қуриш, тизимдаги турдош корхоналарни ягона уюшма доирасида бирлаштириш умуман республикада амалга оширилаётган ислоҳотларга тўла мос бўлиб, истеъмол бозорини тўлдириш, аҳолини ўсимлик ёғи, совун ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, иқтисодий қурсаткичларни барқарорлаштириш ва уларни янада яхшилаш учун чинакам шарт-шароит яратганини холисона таъкидладилар.

Шунга қарамай, ижобий ўзгаришлардан тўла фойдаланилмаган. Таҳлил шуни кўрсатдики, тармоқда ишлаб чиқариш даражаси ҳозирги талабларга жавоб бермайди, уюшма ижроия аппаратининг мутахассислари ва мансабдор шахслари, корхоналарнинг раҳбарлари барча технология ва техник имкониятлардан яхши фойдалана олмаганлар, уларни меҳнат унумдорлигини оширишга йўналтира олмаганлар. Аммо, давлат фонд ва молия интизомини қўпаб бузиш ҳоллари, хомашедан фойдаланиш технологиясига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига масъулиятсизлик билан қараш, истеъмолчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада менсимаслик ҳоллари аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг республика ёғ-мой экстракция заводларида ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғини сотиш тартиби, савдога эркин тус бериш тўғрисидаги қарорлари жойларда қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган. Ҳукумат қабул қилган ҳужжатларга қарамай, хусусан, Тошкент, Андижон, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатлари, Косонсой ва Гулистон ёғ экстракция корхоналари йил бошида ўндан ортиқ ташкилотларга фонддан ташқари кўп миқдорда ўсимлик ёғи бериб, шу йўл билан савдода сунъий таранг вазиятни келтириб чиқарган ва аҳоли орасида норозилик чиқишига сабаб бўлган.

Асака ёғ экстракция заводи хомашё етказиб бераётган хўжаликлардан қарзини ўз вақтида узмаган — етмишга яқин ана шундай хўжалик шартномада кўзда тутилган 434 тонна чигит ёғи, 2626 тонна чигит пустлоги, 1482 тонна кунжарани ололмаган... Айни пайтда қандайдир таъминлаш идораси ва механизациялашган кўчма колонна, Асака газлаштириш корхонаси ҳамда заводга бир грамм ҳам чигит етказиб бермаган ва завод билан ҳеч қандай шартнома тузмаган бошқа ташкилот ва хўжаликлар сўраган нарсасини — кунжарани ҳам, сифатли чигит ёғини ҳам ўнлаб ва юзлаб тонна миқдорида олаверган.

Шартнома муносабатларига бундай масъулиятсизлик билан қараш, хомашё етказиб берувчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини, истеъмолчиларнинг манфаатларини менсимаслик Наманган, Каттақўрғон, Учқўрғон ёғ-мой комбинатларида, Бухоро ёғ-экстракция ижара корхонасида, Косон ёғ-экстракция комбинатида ҳам қайд этилди.

Ишга бундай муносабатни нима билан изоҳлаш мумкин? Жавоб аниқ. Бунга кимларнингдир ғаразли мақсадда ўз мансабини суиистеъмол қилиши, шахсий фойда орттириш учун ғайриқонуний найранглар ишлатиши сабаб бўлган, аллатта... Ўтказилган текширув материаллари буни тасдиқлаб турибди: хом ашё ва қўшимча маҳсулот ўғирланган, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар ошириб юборилган...

Ўтган йилнинг ўзида фақат Наманган ва Учқўрғон ёғ-мой корхоналарида 283 тонна тозаланмаган ёғ асоссиз равишда исроф бўлган. Тошкент ёғ-мой комбинатида етти марта қўшимча қайта ишлаш учун жўнатилган ёғ кам чиқиш ҳоллари аниқланди. 15,3 тонна маҳсулот қаерга жўнатилгани номаълум. Бироқ, текшириш ўтказилган вақттача етказилган зарарни қоплаш, ёғнинг кам чиқиши сабабларини ва айбдор шахсларни аниқлаш юзасидан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида, Самарқанд ихтисослашган ёғ-мой базасида, Сурхондарё маҳсулот саноати комбинатида ҳам қонуннинг ана шундай тарзда бузилгани аниқланди...

Протоколда, расмий тилда қонун бузилди, деб ёзиб қўйилади, холос. Аслини олганда эса, бу ҳақиқий ўғрилик, жиноят кодексида кўзда тутилган — ўзаро келишиб, мансабдор шахсларнинг йўл қўйиб бериши оқибатида давлат ёки жамоа мулкини ўғирлаш, содир этилган жиноятни яшириш ва терговга халақит бериш-дир.

Уюшган жиноий гуруҳ бошлиги О. Аббосов деган шахс 1993—1994 йиллар давомида Андижон ёғ-мой корхонасидан сохта ҳужжатлар билан 98,2 тонна кир совун олган. Ҳолбуки, бу маҳсулот фақат фонд бўйича тақсимланиши керак эди. Жиноятчилар совунни чайқов баҳосида пуллаб, катта фойда олишган. Аббосов ва унинг тўрт нафар ҳамтавоғи амалга ошираётган жиноий «тадбиркорлик»ка чек қўйилди. Улар жиноий жавобгарликка тортилди ва жазога ҳукм қилинди. Аммо, икки йил давомида Аббосовнинг жиноий ҳаракатларига тўсқинлик қилиш ўрнига, ўзлари жиноят учун шароит яратиб берган корхона раҳбарлари ва мансабдор шахслар нима учун жазо[illegible] Шу[illegible]ида милиция ходимлари Ш. Шомаҳмудов деган кимсани 270 қути маргаринни бошқа республикага олиб кетмоқчи бўлаётганида ушланди. Четга чиқариш тақиқлаб қўйилган бу 5 тонна маҳсулотни у Тошкент ёғ-мой комбинатидан ўғирлаб, корхонадан бемалол олиб чиқиб кетган. Тошкентнинг Ҳамза тумани прокуратураси мазкур воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатди. Ҳозир тергов олиб борилмоқда. Афсуски, бундай ҳол бир-икки марта содир бўлиб қолгани йўқ. Корхона маъмурияти ва соқчи ходимларнинг бепарволиги оқибатида бу ердан 1994 йил давомида ҳеч қандай ҳужжатсиз 335 минг сўмлик 72,4 тонна совун олиб чиқиб кетилган. Комбинат ҳудудида маълум майдонни ижарага олган «Азим» хусусий фирмасининг ходимлари ҳеч қандай тўсқинликка учрамай, ғайриқонуний ишлар билан шуғулланиб келган.

Шуни айтиш лозимки, Тошкент ёғ-мой комбинатида жиноий иш қўзғатилиши лозим бўлган ўн битта қонунбузарлик аниқланса ҳам, бу корхона тармоқда жиноят жиҳатидан мутлақ «пешқадам» эмас. Бошқа корхоналардаги вазият ҳам яхши эмас. Андижон ва Фарғона ёғ-мой комбинатларида ўн учтадан жиноят, Наманган ёғ-мой комбинатида ўн битта, Косон ва Гулистон ёғ-экстракция корхоналарида олтитадан жиноят содир этилгани қайд қилинди. Текшириш чоғида айни шу корхоналарда молиявий ҳисоботларда энг кўп чалкашлик ва тартибсизлик, мулкни қўриқлаш қоидаларини менсинмаслик ҳоллари аниқланди.

Ўтган йили ва шу йилнинг биринчи чорагида тармоқ корхоналарида етмишдан ортиқ ўғрилик ва бошқа суиистеъмол ҳоллари аниқланди, қонунни бузган 97 мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Чакана ўғрилик айниқса кенг авж олган — шу даврда 2322 марта чакана ўғирлик содир этилгани аниқланди. Ўғрилик чакана бўлгани билан, ташмачилар корхоналарга ўнлаб минг сўмлик зарар етказмоқда, бироқ жиноят билан боғлиқ бундай аҳвол уюшмада ҳеч кимни ташвиштирмаган.

Тажриба шуни кўрсатадики, бундай ҳолларнинг салбий оқибатлари дарров юзага чиқади. Учқўрғон ёғ-мой корхонасида А. Азизхонов деган шахс 1958 йилдан буён омбор мудири вазифасида ишлаб келган. У корхонада ҳисобот ишларида тартиб ва назорат йўқлигидан фойдаланиб, ўн икки кишидан иборат жиноий гуруҳ тузган. Бу гуруҳ 1993—1994 йилларнинг ўзидагина ўн мартадан ортиқ катта ўғирлик содир этган ва корхонага катта моддий зарар етказган. Азизхонов ва унинг шериклари ҳозир қилмишига яраша жазосини олди, лекин уларнинг жиноий хатти-ҳаракатларига имконият яратган, бинобарин жиноятчиларга йўл очиб берган шахслар яна четда қолиб кетди.

Яқиндагина ички истеъмол бозорида тақчиллик пайдо бўлгани, магазинларда ўсимлик ёғи ва кир совун қолмагани газетхонларнинг эсида бўлса керак. Ёғ ва совун билан таъминлашдаги узилиш ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятидаги объектив сабабларга кўра содир бўлганми ёки бу вазиятни чайқовчилик билан шуғулланиб, кўпроқ фойда олиш учун жиноятчилар уюштирганми — буни тегишли органлар аниқлайди, деб умид қиламиз.

Шу ўринда яна бошқа бир масалага тухталиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистонликлар савдо тармоқларида бу маҳсулотларнинг йўқлигидан қийналиб, бир шиша ёғ ёки бир бўлак совун қидириб магазинма-магазин юрган, дукондорлардан тополмай, чайқовчилар қўлидан олишга мажбур бўлган даврда божхона ходимлари бундай маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга бўлган 2000 дан ортиқ уринишга чек қўйдилар. Улар 144 тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи, юз тоннага яқин кир совунни мусодара қилдилар. Буларнинг ҳаммаси республикамиз корхоналарида ишлаб чиқилган ва ўзга мамлакатларда сотиш учун жўнатилаётган эди. Хўш, бундай уринишларнинг шунчасига-ку, чек қўйилибди, лекин қанча маҳсулот четга чиқиб кетди экан?

Прокуратура ўтказган чуқур текшириш амалдаги қонунларнинг бўлим ва моддаларини бузиш ҳоллари ҳам кам эмаслигини кўрсатди. Улар орасида технология интизомига риоя қилмаслик, стандартлаш талабларини бажармаслик ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотни мажбурий тарзда сифат назоратидан ўтказиш борасидаги қонунга амал қилмай маҳсулот сотиш, экологияга доир қонун талабаларини менсимаслик, белгиланган санитария талабларини, техника хавфсизлигини, «Фуқаролар шикоятлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моддаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари бор... Бу бузилишларни санашдан кўра, қайси қонунлар ва моддалар бузилмаганини айтиш осонроқ. Умуман, бузилмаган қонунлар бормикан ўзи?

Биз «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасини ғаразгўйлар, катта ва кичик ўғрилар босиб кетган, демоқчи эмасмиз. Аксинча, ҳамма жойда бўлгани каби, бу тизимда ҳам меҳнат қилаётган одамларнинг мутлақ кўпчилиги атрофида бўлаётган ножўя ишлардан аввало ўзлари жабр тортаётган халол-пок, қонунга риоя қилувчи фуқаролар эканлигига ишончимиз комил. Уларга ёрдам берилишини жуда истар эдик...

Хўш, қандай ёрдам бериш мумкин? Шу муносабат билан яқинда Халқаро валюта жамғармаси раҳбариятининг мамлакатимизга ташрифи якунларига бағишлаб ўтказилган журналистлар билан учрашув, шу учрашувда журналистлардан бири республикада порага учиш ва суиистеъмолга қарши кураш йўллари ҳамда истиқболлари тўғрисида Президентимизга берган савол ва бу саволга Президент қайтарган лўнда жавоб эсга тушади: бозор ислоҳотлари чинакамига ишга тушиши ва тўла амалга оширилиши учун одамлар ўзларини тезроқ мулк эгаси деб ҳис этишлари ва уни амалдор бошқарувчиларнинг катта аппаратисиз, ўз хоҳишларича тассавур этишлари керак...

Республикада халол меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли равишда таъминлай оладиган яхши қонунлар қабул қилинган. Лекин, ҳуқуқий имкониятлардан, ислоҳотларимизнинг демократик ва инсонпарварлик йўналишидан фойдаланиш учун бу қонунларга ҳар кун, ҳар соат ва ҳар дақиқа амал қилиниши керак.

М. НИЁЗМАТОВ,
Адлия кичик маслаҳатчиси.
А. БАРАНОВ.

• Нуқтаи-назар

ЎЗБЕКИСТОН–АВТОМОБИЛЬ МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

Худойберган МАМАТОВ. Автомобиль ишқибозларининг эътиборига тушган бу иқтидорли олимнинг кейинги йилларда чоп этилган қатор рисола ва мақолалари кўпчиликнинг қизғин баҳс ва мунозараларига сабаб бўляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Автомобиль саноати соҳасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратган тиниб-тинчимас фан заҳматкаши ўзининг дастлабки изланишларидаёқ хорижлик мутахассисларни қизиқтириб қолди. Харьков автомобиль ва йўллар олий билимгоҳининг изотоп лабораториясида Нобель мукофоти соҳиби, академик Л. Ландау раҳбарлигида ёқлаган номзодлик иши асосида 1972 йили АҚШнинг «Американ Моторс корпорейшн» фирмаси дизель двигателлари учун янги поршень ҳалқасини яратди. Соҳага бўлган чуқур қизиқишлари боис Болгария ва Венгриядаги автомобиль заводларида бўлиб, бой тажрибага эга бўлди.

Эндиликда у Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳида талабаларга назарий билим бериб келмоқда. Шу билан биргаликда ўзи севган соҳада ижодий изланишларини сабот билан давом эттираяпти. Қуйидаги мақола ҳам профессор Худойберган Маматовнинг кейинги пайтдаги кузатишларининг сермаҳсул мевасидир. Унда автомабилсозлик вақти келиб Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос кўзгусига айланиши хулоса ва мулоҳазалар орқали чуқур талқин этилади.



Ҳар биримиз, озми-кўпми, деҳқоннинг машаққатли турмушидан бохабармиз. Деҳқон меҳнатини енгиллаштиради-ган транспорт воситаси илгарилари от, ҳўкиз, эшак ва туялар бўлган. Бу жониворлар ҳосилни вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олишга имкон яратган. Бугина эмас, от-улов ва аравалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз вақтида шаҳар бозорларига етказиб беришда ҳам қўл келган эди. Афсуски, кейинги 75 йил ичида бундай от-уловлар «Қизил китоб»га ёзиб қўйиш даражасида камайиб кетди. Албатта ўтган йиллар ичида буларнинг ўрнини трактор, автомобиль транспорти ва ҳар хил моторли техника воситалари эгаллади. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Лекин шуниси ҳам аёнки, қишлоқ хўжалигида шахсий автомобиллар жуда оз. Шу сабабли деҳқоннинг не азоблар билан етиштирган мева-чевалари-ю, полиз маҳсулотларини далалардан шаҳарга етказиб беришда қийинчиликлар туғилмоқда. Етказиб берилса ҳам деҳқон бунга ортиқча меҳнат, вақт, маблағ сарф этяпти.

Лекин қишлоқ халқи юмушини енгил қиладиган автомобиллар билан деҳқон, фермер, жамоа хўжаликларини таъминлаш борасида астойдил қайғурилаётгани йўқ. Ҳозир Республикамизда автомобилларнинг ярмидан кўпи шаҳарликлар қўлида. Шаҳарликлар билан қишлоқ аҳолисини таққослаб, аҳоли сонини шахсий автомобиллар сонига бўлсак, қишлоқда яшайдиган 32 одамга битта автомобиль ва шаҳарда эса 8 одамга битта шахсий автомобиль тўғри келади. Масалага мантиқан ёндашадиган бўлсак, қишлоқликлар учун 8 одамга бир шахсий автомобиль тўғри келиши керак эди. Яна бир нарсага эътиборингизни қаратаман: собиқ Иттифоқ ҳудудида қишлоқ йўлларига мўлжалланган «УАЗ-469» машинаси жами 100 минг ва «ВАЗ — 2121», «Нива» 50 минг дона чиқарилгани ҳолда, «ЛуАЗ»лардан йилига 13 минг дона тайёрланарди. Уларнинг ҳам аксариятидан шаҳарларда фойдаланилаётганлигини кўрамиз. Бундай машиналарнинг кўпчилиги хизмат машинаси сифатида идора ва хўжаликлар раҳбарлари ихтиёрида ҳудди шахсий уловдек ишлатилаётганидан хабардормиз. Ушбу масалани атрофлича ҳал қилиш учун бирингчидан, жумҳуриятдаги барча қишлоқбоп енгил автомобилларни давлат идораларидан олиб деҳқонларга, арзон нархларда сотиш лозим. Иккинчидан, шаҳарда шундай шахсий енгил автомобиллардан фойдаланганлик учун солиқни бир неча баробар ошириш керак. Учинчидан, фаол ишлаётган деҳқон оилаларига бензин тақсимоти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айтилган тадбирлар амалга ошса, қишлоқда шахсий енгил автомобиллар анчагина кўпаяди, деб ўйлаймиз. Албатта, олдин шаҳарликлар учун умумий жамоат транспорти тизимини яхши йўлга қўйиш керак. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда бошқа хил автомобиллар билан бирга «Джип» туридаги қишлоқбоп ҳар хил кузовли, ихтисослашган енгил автомобилларни купайтириш йўлидан бориш лозим. Бунинг учун Асакада бўлгани каби автомобилсозлиги ривож топган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик керак. Яъни хорижий давлатлар билан қишлоқбоп машина ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида шартнома тузиш зарур бўлади. Дастлаб йиғув корхоналари очиб, қисмларни йиғиб машиналар тайёрлашни ўзлаштирган маъқул. Шу йўл билан автомобиль заводлари қуриш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Фикримизча, автомобиль машинасозлигини барпо этишдан аввал йиғув цехларини очиш Узбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу соҳадаги амалий ишларни тез бошлаш ва ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш — шу куннинг долзарб масаласи. Жаҳондаги автомобилсозлиги ривож топган давлатларнинг машиналари билан қиқача танишиб мулоҳаза юритсак, тараққиёт йўллари анча ойдинлашади, деган умиддаман. «Джип» туридаги деҳқонбоп автомобиллар ўз хусусиятларига кўра, қишлоқларда жуда қўл келмоқда. Буни Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа автомобиллари мисолида танишиб чиқсак, мақсад анча ойдинлашади.



«Джип» туридаги машиналар — қишлоқбоп. Унинг кузовини керакли ҳолларда тезда алмаштириш мумкин. Улардан усти ёпиқ кутига ўхшаш фургон, суюқлик ташиш учун цистерна шаклида ёки усти очиқ ҳолда хом ашё ташишда фойдаланса бўлади. Ёпиқ кузовли ихчам автотранспортнинг 2-3 қаторли ўриндиқлари ўрнида, юк сахнини ҳосил қилиш мумкин. Двигателнинг қувватига қараб автомобилларнинг катта — кичиклиги, турли йўл шароитларида юриш қобилияти ва қулайлик даражаси ўзгариб туради.

Чиқарилаётган автомобиль нусхасига қараб уч ёки тўрт цилиндрли бензин, шунингдек, дизель мотори қўлланилади. Баъзи ўта катта ва бақувват нусхаларига олти ва саккиз цилиндрли «у» симон, олти литр ҳажмли, қуввати 250 от кучига эга бўлган двигатель қўйилиши ҳам мумкин. Бундай автомобиллар двигателини бошқаришни осонлаштирш учун электроника асосида ёнилғи пуркаш ва карбюраторни тежамли маромда ўз — ўзидан ишлатиш услуби кенг қўлланилган.

Шундай автомобилларнинг кичик ва ихчам нусхалари Японияда чиқарилади. Масалан, митти «Самурай» машинаси тўрт ўриндиқли бўлиб, узунлиги 3,2 метр, уч цилиндрли двигателнинг иш ҳажми — 0,5 литр, қуввати — 34 от кучига эга. Вазни 780-810 килограммдан ошмайди. Энг юқори тезлиги соатига 120 километр.Ёнилги сарфи эса 4-9 литр. Кичик литражли «Судзуки Витара» (Нива туркумига кирувчи машина)ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи деҳқонлар учун жуда қулай.

Бундай автомобилларнинг «Тайота», «Лэнд Крузер», «Ниссан», «Патрол», «Мицубиси», «Паджеро», «Исудузе Трупер», «Дайхацу Роки» нусхалари катта хўжаликка эга фермерларга асқотади. Улар жаҳон бозорларида кўплаб харид қилинмоқда. Шундай нусхалари АҚШда «Шевроли» ва немисларнинг «Мерседес-Бенц» фирмалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, «Мерседес-Унимог» универсал автомобиллари бизнинг иқлим шароитимизга жуда мос тушади. Яъни улар ўнқир — чўнқир йўллардан ҳам бемалол ўтиб, дала пайкаллари ичига кириб боради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортиш воситалари ёрдамида ўз саҳнига жойлаштиради ва тушира олади. Уларни ер ҳайдаш, текислаш каби ишларни бажаришда тракторга мулжалланган барча қурилмалар билан жиҳозлаш мумкин.

Юқоридаги автомобилларнинг қиқача тавсифи билан танишганда, улар ичида бизнинг қишлоқ шароитимизга, деҳқонга, фермерга ва жамоа хўжалигига тўғри келадиган нусхаларини танлаб олиш истаги туғилади. Уша машиналарга эга бўлиш эҳтиёжи билан чет эл фирмаларига чиқиш ва улар воситасида ҳамкорлик қилиш лозимдек туюлади. Бунинг учун кичик ва ўртача катталиқдаги йиғиш цехларидан бошлаб, уларни ишга туширишгача бўлган шарт — шароитларни яратиш лозим. Улар асосида вилоятларда малакали мутахассислар, ишчилар ва муҳандислар тайёрлаш мумкин бўлади.

Бу ҳайрли ишни амалга ошириш борасида Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи раҳбарияти билан катта иш тажрибасига эга бўлган Узбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор А.Муталибов ва унинг ўнлаб шогирдлари ўз ҳиссаларини қўшишларига имоним комил.

Бизда автомобилларнинг табиий — иқлим шаротимизга мос, тежамкор, сифатли нусхаларини танловчи, автомобиль конструкциясини жаҳон тажрибаси асосида таҳлил қила оладиган шогирдлар тайёрлаётган етакчи мутахассислар бор. Уларнинг сафи келгусида янада кенгаяди. Чунки шу кунларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи қошида янги автомобилсозлик куллиётининг очилиши, барпо этилаётган Асака — ДЭУ ва бошқа келгусида қурилаётган автомобиль заводлари учун юқори малакали муҳандис конструкторларни тайёрлашга биринчи манба бўлади. Узбекистон автомобилсозлигини ривожлантириш ана шу кадрлар зиммасида бўлиши керак.

Хўш, автомобилсозликнинг ривожланишида жумҳуриятимизда қайси корпорациялар малакали ёрдам бера олади? Қишлоқ хўжалигига «Джип» ва унинг уйчали қилиб ишланган тиркамлари, шунингдек, қишлоқда трактор ва оддий юк автомобили тарзида фойдаланиш хусусиятига эга бўлган «Мерседес — Унимог» машиналари биринчи навбатда керак. Қуввати 5,5 — 15 от кучига эга. Ёнилги сарфи 2-3 литргача бўлган «митти» автомобилларни Франция фирмалари ҳамкорлигида ишлаб чиқариш манфаатли. Улар кооператив тарзида, боғдорчилик ва парник усулида қишин-ёзин полиз маҳсулотлари етиштирувчи деҳқонга қўл келади. Бундай «митти» машиналарнинг пикап ва фургон шаклидаги ихтисослашган турлари ҳам бор. Улар 200-400 килограммгача юк кўтариш қувватига эга.

Яна бир мулоҳаза: АҚШдаги «Сатурн» фирмасининг «99 гуруҳи» ишлаб чиққан хулосалар ҳам диққатга сазовор деб ўйлаймиз. Шу асосда биз билан ҳамкорлик қиладиган фирмаларга ўз мутахассисларимизни юборсак, иш тезлашган бўлур эди.

Тангрига шукроналарким, бизлар миллий ҳис ва миллатимизнинг манфаати билан яшашга лойиқ истиқлол билан йўғрилган мустақил давлат бўлдик. Тақдиримиз ўз қўлимизда, энди Узбекистон келажаги буюк давлатгина бўлиб қолмай, қадимгидек дунё тараққиётига, жаҳон илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшади ва ўз автомобилсозлигига эга бўлган мамлакат бўлишига ишончим комил.

Худойберган МАМАТОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳининг автомобиллар кафедраси профессори.

• Луқма

ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН...

Бундан роппа-роса тўққиз йил бурун Оҳангарон туманининг Телов қишлоғида янги мактаб биноси пойдеворига илк гишт қўйилган эди. Бундан қишлоқ аҳлининг қувончи кўкка етди. Кун ўтмай қувонч саробга айланди. 287-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари асбоб-ускуналарини йиғиштириб, жўфтакни ростлаб қолишди. Охир-оқибатда қурилиш ишлари ўлда-жўлда қолди. Қад кўтарган деворлар ҳам нурай-нурай адойи-тамом бўлди. Давлатнинг қанча-қанча маблағи ҳавога совурилди. Қишлоқ аҳлининг эса ҳасратидан чанг чиқди.

Башорат МУХТОРОВА, пенсионер: — Наҳотки, 9 йилда ҳам битта мактабни қуриб битириб бўлмаса? Болаларимизга бир йил бўлса ҳам янги мактабда сабоқ бермоқчи эдим. Армонда қолдим...

Мукамбархон АБДУРАҲМОНОВА, 38-ўрта мактабнинг илмий мудири: — Афсуски... Уқувчилар мактабни тамомлаб кетишяпти. Туя гўшти еганми, резинадек чўзилгани чўзилган.

Ҳошимжон СОДИҚОВ, Телов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси: — Янги мактаб 840 уқувчига мўлжалланган эди. Уч қаватли бино қурилишида қурувчилар аввалига яхши ишлашди, кейин кўз тегди... Аросатда қолди...

Биз чала қолган мактаб қурилишининг сабабини аниқлаш мақсадида туман ҳокими Улуғбек Иброҳимовга мурожаат қилдик.

— Тўғри, мактабнинг битмаганидан хабарим бор, — деди ҳоким. — Бултур катта кўчкин бўлди. Вилоят ҳокимлиги билан бирга маблағ ажратиб, талофат кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам бердик.Умуман, уч қаватга мўлжалланган бу мактаб қурилишини 2 қаватга келтирдик. 60-70 фоиз иш бажарилган. Мактаб вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси буюртмачилари томонидан қурилянти. Хуллас, бу йил ҳокимликдан маблағ ажратилса, мактабни фойдаланишга топшириш ниятимиз бор.

Зора, шундай бўлса...

Абдурафиқ МАҲКАМОВ.

Ойнаи жаҳонда

ДУШАНБА, 22

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
18.40 «Мусиқий дақиқалар». Созанда Абдураҳмон Холтожиев.
18.55 «Хазинамиз таянчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Булоқлар кўз очганда».
20.10 «Тилга эътибор».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Сакура ва эҳромлар».
21.55 «Олтин мерос». «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг 50 йиллиги. Кинокўрсатув.
22.40 «Жаҳон жанговар санъатлари».
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.40 «Деҳқон ҳиммати».
20.10 «Бизнес-академия».
20.30 — 22.00 «Ҳалқа». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».
«ОМАД» таништиради:
19.30 «Совга».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40 — 24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эркак ва аёл».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал премьераси. 1-серия.
21.40 — 22.35 «Матбуот-клуб».

СЕШАНБА, 23

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-фильм.
9.05 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинодастур.
9.30 Немис тили.
10.00 «Кафолат».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Ёшлар ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.30 — 13.00 «Ривоят».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Кўнгироқча».
18.45 «Телеоператор нигоҳи билан...».
18.55 «Тараққиёт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.20 «Доира довруги». Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфутдинов.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 Теле-ателье-шоу.
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқаруселъ».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.15 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.55 «Интерпартнёр».
21.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
21.50 — 22.30 «Соккер-клуб».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 7.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 — 24.00 Тирикларни чорлайман. «Энг узун кун». Бадиий фильм (АҚШ, 1962 й.).

ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-фильм.
9.05 Эстрада тароналари.
9.35 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...».
10.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
10.40 «Қишлоқ стадионларида».
11.10 — 13.00 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистон: буюк келажакнинг ёрқин уфқлари».
21.55 «Ёшлик» студияси. «Умид».
22.55 — 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Жонли тил».
20.00 «Саломатлик — туман бойлик».
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқаруселъ».
19.00 «Яшил бойлигимиз».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
20.20 — 23.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00 — 7.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Орзу-хаёллар фабрикаси». Кўрсатувни А. Збруев олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 — 22.00 Славян ёзуви ҳамда маданияти кунларига бағишланган кўрсатув.

ПАЙШАНБА, 25

ЎзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 «Фахрийлар — фахримиз».
10.40 «Халқ ижодиёти». Сибизга садолари.
11.10 «Китоб ва ҳаёт».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.20 «Суянч».
12.40—13.00 «Кичкинтой» устахонаси.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Сўнгги кўнгироқ».
18.35 Шимкент шаҳар Маданият уйи «Парвоз» ансамблининг концерти.
18.55 «Сиҳат-саломатлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.20 «Вақт — ҳакам».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «XXI аср бўсағасида».
21.50 «ДЭУ электроникс» — «Узавтосаноат»: «Қўлни — қўлга бериб...».
22.20 «Оҳанглар оғушида». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Тоиров.
22.55—23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 Теле-ателье-шоу.
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Сизга раҳмат!».
22.25—23.55 Футбол. Чемпионлар лигаси. Финал. «Аякс» (Голландия) — «Милан» (Италия). Австриядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—7.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эслашлари учун...». О. Даль. Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—23.30 Кино асри. Марчелло Мастроянни Федерико Феллининг «Аёллар шаҳри» фильмида (Франция — Италия, 1980 й.).

ЖУМА, 26

ЎзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм.
9.20 Немис тили.
9.50 «Жараён».
10.50 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки».
12.10—12.40 «Буни ҳамма билиши керак».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар».
18.30 «Ишбилармон».
18.55 «Тафаккур ёлқинлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллионлар минбари».
22.05 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
22.50—23.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?»
19.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.50 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «02» тўлқинида.
21.20 «Шаҳар юмушлари».
22.20—22.50 «Бу бўстон аро...»

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Спорт-тайм».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.40 «Панорама».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Қирол репортажи».
22.00 «Даракчи».
22.10 Эълонлар.
22.15—23.55 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—7.00 «Телетонг».
***
18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Муъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.45 «Рэкет». Телесериал. 2-серия.

ШАНБА, 27

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар кўрик-танлови голибларининг якуновчи концерти.
9.10 «Оламни асранг!»
9.40 Болалар учун. «Кувноқлар давраси».
10.10 «Ислоҳот одимлари».
10.35 «Йиллар ва тақдирлар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбарова.
11.10 — 13.10 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Ёшлик оқшоми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Турфа ҳангомалар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистоним менинг», Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев.
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нурафшон».
23.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 Теле-ателье-шоу.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Плюс ноу-хау».
20.25 «Янги иқтисод». Ишбилармонлар матбуоти шарҳи.
20.40 «Менинг кўчам».
20.55 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.15 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Айчурек» (қиргиз тилида).
10.40 «Ширу-шакар» (тожик тилида).
11.10 — 11.50 «Замандас» (қозоқ тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Мюзик-холл».
19.50 «Деҳқон даладан қайтди». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
20.50 «Вариацияли мавзу».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Интердиалог».
22.30 — 22.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.10 «Калла уриб». Кинокомедия премьераси (Франция).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал. 3-серия.
21.40 — 23.50 «Монте-Карло-95» соврини. Жаҳон эстрадаси юлдузларининг фестивали.

ЯКШАНБА, 28

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Болалар киносеанси.
9.30 «Шоҳрўҳ» клуби.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Санъат олами».
11.30 «Бугун — Кимёгарлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.30 — 14.00 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Усмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.45 Дўстлик тароналари.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ватанни севмоқ иймондандур...»
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қизиқчи-95». Сойиб Ҳўжаев хотирасига бағишланган кўрик-танлови.
22.20 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
22.50 — 23.20 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.00 Теле-ателье-шоу.
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05 — 14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.50 «Панорама».
22.20 «Компьютер-Осиё».
22.50 «Автоклуб».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Даракчи».
23.25 Эълонлар.
23.30 — 01.10 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 «Жонли сайёра».
9.35 Мультфильм.
10.15 «Коллекция».
10.35 «Кинематограф».
12.15 — 12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 «Хорижнинг биринчи элчилари».
19.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
19.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.00 — 23.30 Футбол. Узбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Юзма-юз».
18.25 «Тилла шлягер».
19.10 «КВН-95». Мавсумнинг учинчи ўйини.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 22.40 «Рэкет». Телесериал.

● Шифобахш неъматлар

ЮСУФИЙ

ХАЙРЛИ КИШИЛАРГА ФОЙДАЛАР

ОМИЛА МУРАББОСИ

Бир дона омила мураббосини,
Ҳар куни наҳорда ичса гар киши,
Савдони бадандан ҳайдаб чиқарар,
Фасот ҳилтларнинг ҳам тугар юриши.
Ундан бадандаги руҳга куч етиб,
Яхши булар заиф юракнинг иши.

ШИВИТ

Шивит — хилт пиширар, дардни қолдирар,
Ични сурар, ундан кетар ҳиқичоқ.
Эски яра булса тезда тузатар,
Куйдириб ярага сепилгани чоқ.

ШИРИН АНОР

Ширин анор сувини шиша ичига солиб,
Қайнаб чиққунча офтоб тигига тутгин уни.
Сунг чуп билан кузингга уша сувдан суркасанг,
Куз қичишин йуқотиб, купайтирар нурини.

ЗАНЖАБИЛ

Томирсиз занжабил булса қулингда,
Эски булмай янги булса у бироқ.
Қуюлган ерларни парчалаб ташлар,
Юз фалажи, шолга фойдадир ҳар чоқ.
Ҳар ким ундан ҳар кун истеъмол қилса,
Қуввати ошади шубҳасиз мутлоқ.

УЗУНМУРЧ

Узунмурчдан ҳар ким еса наҳорда,
Камқувват кишига куч нисор қилар.
Қул-оёқ шишини йуқотиб яна,
Меъдани балгамдан бегубор қилар.

МАККАИ САНО

Беш мисқол санодан қайнатиб ичса,
Балгам, сафро, савдо тандан қувилар.

БАЛИҚ

Тузланган шур балиқ еса гар киши,
Кукракда ўрнаган хилтни даф қилар.
Тузланмаган янгибалиқ ейилса,
Кувватни ошириб, яхши наф қилар.

СОЧ БЎЁҒИ

Кимки оқарган сочнинг давосига мухтождир,
Уни рубару қилинг Юсуфийга эртароқ.
Сумоқ, омила, усма, хина суви бир булиб,
Сочни қоп-қора қилар икки соат утмаёқ.

ДОЛЧИН

Нонушта пайтида ичилса долчин,
Эски йутал учун фойдаси бордир.
Ҳиқичоқ, унутиш, бурай дардига,
Долчиндан шубҳасиз манфаат ёрдир.

ТОҒ СУМБУЛИ (Валериана)

Ошқозонга фойда тогнинг сумбули,
Фойдалидир талоқ, жигар учун ҳам.
Асаб билан юрак қувват олади,
Оширади кузнинг нурини ҳар дам.
Бод ҳайдайди, ични тухтатар яна,
Бел огриги ундан доим булар кам.

БОШ ВА ҚУЛОҚ ОҒРИҒИНИНГ ДАВОСИ

Кашничу бинафша ва қизил гулдан
Бир дирам ол фақат на ортиқ, на кам.
Уччовин яхшилаб туйгину яна,
Туйилган оқантдан қушгин уша дам.
Сунг ундан истеъмол айлаганинг чоқ,
Бош огриг йуқолар, қулоқ огриқ ҳам.

(Давоми келгуси сонида).

Бу нуроний отахонлар ҳар куни бомдод номозидан кейин наҳорга бериладиган туй ошларига азиз кишилар булиб кириб борадилар. Шайхонтохур туманидаги «Боғкуча» мавзеси аҳолисининг барчаси уларнинг ҳурмат-иззатини урнига қуяди. Бу собиқ жангчилар машҳур узбек разведкачиси Баҳром Иброҳимовни яхши биладилар, унинг жасорати ҳақидаги мароқли ҳикояларни куп тинглаганлар. Матонатли инсон вафотидан кейин у яшаган кучага Баҳром Иброҳимов номи берилган. Яқинда яна бир қувончли воқеа булди. Республика Президентининг Фармонига биноан Баҳром Иброҳимов «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Суратда: қаҳрамоннинг маҳалладошлари М. Фаёзов, Ф. Саидов, И. Абдуллаев, М. Тўлаганов ва Ж. Зокиров ўзаро мулоҳазада.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

МАРТАБА

(Бўлган воқеа)

Бир танишим бор. Авваллари жуда сертавозе эди. Узоқдан курса ҳам иккала қулини куксига қуйганича эгилиб куришарди.

Орадан икки йил утиб, у анча димоғдор булиб қолди. Юқори жагига иккита тилла тиш қуйдириб олган, башанг кийиниб юрадиган булди. Мабодо дуч келиб қолса ҳам, тиш қуйилган томонини жўрттага кўрсатиб тиржаярди-да, ясама салом қиларди.

Билсам, у киши пивофуришликка утган экан...

Уша танишимни кеча учратиб қолдим. Селитра еган тарвуздек қорин қуйган, кузларининг ости халтача бойлаб, бақ-бақаси осилган. Юқори ҳамда пастки жагида табиий тишларидан асар ҳам йуқ. Кузга илгайдиган барчасига тилла қоплатилган. Огзи доимо очиқ,куришганда ҳам аранг қулининг учини беради... Билсам, танишимнинг мартабаси яна ортиб... қассоб булган экан...

М. ПАРПИЕВ.

СОҒИНИШ

(Этюд)

Кечаси билан Булут чуққидаги Лоланинг куксига бош қуйиб роса йиглади. Чақмогини чақиб, эзилиб куз еши тукиб дардини суйлади. Охири Лоланинг қалбини ром этди.

Уша тундан буен Булут гойиб. Бечора Лоланинг нигоҳи булса унинг йулига қадалган. У ҳалигача огир хаёлларга толиб аллақандай ширин ҳис, орзиқиш билан уша дамни уйлайди.

Тугри, Оймома унинг бошини силаб неча маротаба — «Қуйгин уни», — деб насиҳат қилди. Кушни, Булутнинг номини эшитибла, — «У ахир саёқ-ку!» — деб юборди.

Барибир Лоланинг кузи ҳамон узоқ-узоқларга тикилган, у ҳамон Булутни кутарди.

Ғафур ЙЎЛДОШЕВ.

Кичик ҳикоялар ●

БИРИНЧИ ПИЛЛАПОЯ

Бир киши нарвонни шаҳд билан уй буготига қуйиб, томга илдам чиқди, боғ-боғ пичанларни пастга ирғитди, яна бошқа юмушларни бажариб томдан тушмоқчи булди. Бундай қаради-да, шундай баландда турганига юрагида ғурур ҳис этди, кейин нарвон пиллапояларидан бир-бир тушаркан:

— Булди, ҳозир ерга оёқ қуяман, — деб уйлади-да, узини боя юқори кутарилишига хизмат қилган энг сунгги пиллапояни унутиб муаллақ оёқ босган эди, гурсиллаб ерга йиқилди, оёгининг болдир суяги қарсиллаб синди.

Ким унутса «елка тутган» устозини,
Бир кун тотгай аччиқ ҳаёт озорини.

ЁМОН ИЛЛАТ

Чаён қоронги ковакда болалади. Кунлар утиб очиқди-да, ургочиси эркагини еб қуйди. Она чаён қонидаги бу ёмон иллат жажжи чаёнчалар қонида жўш урди. У болаларини ташлаб қочмоқчи эди, чаёнчалар онаси устига чиқиб олиб унга юк булишди. Она чаён ҳасрат чекарди.

Ёмон иллат наслига қондан утади,
Тузалмас ҳулқ-одоби жондан утади.

Тўлқин РАСУЛОВ.

ЧЕКИШ — КОНИ ЗИЁН

● Чекиш ҳар бир кишининг турмушидаги узига хос одати, лекин бу одат зарарли булгани, халқ ўртасида кенг тарқалганлиги туфайли, ҳар бир мамлакат аҳолисининг, умуман бутун инсониятнинг соглигига путур етказувчи энг хавфли душманлардан бири ҳисобланади. Ер шари аҳолисининг деярли учдан бир қисминнинг ўртача умрини қисқартиради.

● Статистика маълумотлари шуни курсатадики, тусатдан улимга олиб келадиган стенокардия хуружлари чекувчиларда чекмайдиганларга қараганда /бир хил ёшдаги ва ҳатто чекмайдиганлардан у 10-15 ёш кичик булса ҳам/ 4-5 марта куп учрайди.

● Жаҳон статистикасига кура, чекувчи аёлларнинг 30 процента қалқонсимон без гипертрофиясига чалинади. Чекмайдиганларда бу кассаллик 5 фоиздан ортиқ учрамайди. Чекувчи аёлларнинг кўпчилигида Базедов касаллигига ухшаш белгилар /юракнинг тез уриши, терлаш ва бошқалар/ кузатилади, бу уларнинг ташқи кўринишида акс этади, бундай аёллар озгин буладилар.

● Ж.Пти ва бошқа француз олимларининг маълумотларига кура, етук ёшида упка силига учраган 100 та беморлардан 95 таси чекувчиларга тугри келади.

● АҚШ тиббиёт комиссияси шундай хулосага келдики, кунига 20 дона папирос ёки сигарета чеккан киши чемайдиган кишиларга қараганда упка раки билан 20 баравар ортиқ огрир экан.

● Олимлар кунига бир қутидан сигарета чекадиган кашандалар уз умрларини 8 йилга, 2 қутидан чекадиганлари эса 15 йилга қисқартиради, деб ҳисоблайдилар.

● Кашандалар ҳар йили атмосферага 720 тонна синил кислота, 384 минг тонна амиак, 108 минг тонна никотин, 600 минг тонна қатрон ва 550 минг тонна ис гази, яна шундай миқдорда карбонат ангидрид ва тамаки тутунининг бошқа таркибий қисмларини тарқатади.

● Чекишга қарши кураш бутун дунёда авж олянти. Врачлар ўртасида чекиш бирмунча камайди. Буюк Британияда бир неча йилларда улар 43 дан 21 гача, АҚШда 15 йилда 40 дан 29, Швецияда 46 дан 37 фоизгача қисқарди, Канада, Финляндия, Дания, Австралияда ҳам врачларнинг чекиши сезиларли даражада камайди.

● Инсоният ҳар йили 12 миллион сигарет чекади ва қолдиқларини ташлайди. Бунинг огирлиги 2 миллион 500 минг тоннадан ошиб кетади.

Маданият янгиликлари ●

«УФҚ» ПРЕМЪЕРАСИ

Ҳамза номли академик драма театрида Саид Аҳмаднинг «УФҚ» асари асосида тайёрланган икки пардали мусиқали драманинг премъераси намойиш қилинди.

Асосий ролларни театрнинг етук актёрларидан —Узбекистон халқ артистлари Тутихон Юсупова, Ёқуб Ахмедов, Обид Юнусовлар ва театрнинг ёш актёрларидан Тоҳир Саидов, Фатхулла Масудовлар ижро этдилар.

Асарни Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика Давлат мукофоти совриндори, режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган. Саҳна безакларини рассомлар Флюра Газизова, Наталья Глубокина ишлаган. Мусиқаларни Анвар Эргашев танлаган.

Премъера томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди ва уларнинг олқишларига сазовар булди.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

«ИЛГОР КУТУБХОНАЧИ»

Қашқадарё вилояти маданият ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қумитаси ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши узаро ҳамкорликда «Илгор кутубхоначи» кўрик-танловини утказди. Мазкур кўрик-танлов республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан ташкил этилди. Танловга мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг Узбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сузлаган нутқида маънавиятни ривожлантириш истиқболимизнинг асосий тамойилларидан бири эканлиги ҳақида билдирган фикрлари асос қилиб олинди. Танлов уч босқичда булиб, кутубхоначиларнинг амалий ва назарий билим малакаларини, сиёсий, тарих ва адабиётга доир маънавий савияларини оширишга қаратилди. Голиблар эса пул мукофотлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, республика Маданият ишлари вазирлигининг «Маданият ишлари аълочиси» кўрик нишонига тавсия этилди.

Гулмира МУСАЕВА.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Икки фарзандим бор. Турмуш ўртоғим 1984 йилда авария туфайли вафот этган. Уғлимнинг кузи ожиз. Андижон вилоятида кузи ожизлар интернатида таҳсил олади. Ногиронлиги учун нафақа олади. Бир узим ишлайман. Бироз қийналяпмиз. Бизга боқувчисини йўқотганлиги учун пенсиясини берса буладими? Агар берилмаса, бошқа қандай моддий ёрдам берилиши мумкин?

Ф. СОБИРОВА,
Фарғона вилояти, Бағдод тумани.

Амалдаги қонунга кура бир вақтнинг узида бир неча тур пенсия олиш ҳуқуқига эга булган шахсларга уларнинг хоҳишига қараб битта турдаги пенсия тайинланади ва туланади.

Агар вафот этган эрингиз учун уғлингизга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласангиз, ариза билан яшаб турган жойингиздаги ижтимоий таъминот булимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига вафот этган шахснинг уртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида тайинланади. Ҳозирда болаликдан туғма ногиронлар ва I ҳамда II гуруҳ ногирон болаларга 400 сум миқдорида нафақа туланмоқда.

Бундан ташқари, болаликдан кузи ожиз болаларга врачнинг рецептига асосан дори-дармонлар бепул берилади.

* * *

Қаҳрамон оналар неча ёшдан ва неча йиллик стаж билан пенсияга чиқиши мумкин? Онанинг болага қараган даври ҳам иш стажи ҳисобланадимми? Булардан ташқари, янги Қонунда ўқитувчи ва шифокорларга қандай имтиёзлар берилган?

Ҳ. ҚУЛМАҲМАТОВА,
Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани.

5 ва ундан ортиқ фарзанд куриб, уларни 8 ёшга қадар тарбиялаган оналарга пенсия 15 йил меҳнат стажи билан, болаларга қараб турган давр ҳам стажга қушилган ҳолда эса 20 йил умумий стажга эга булганларида 50 ёшдан тайинланади.

Узбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдан кучга киритилган «Фуқароларга давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни буйича ҳам кўп болали оилаларга пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган шартлар сақлаб қолинган ҳолда болаларга қараб турган давр улар ишлаган ёки ишламаганликларидан қатъий назар ҳар бир бола учун 3 йилдан кўпи билан 6 йилгача умумий стажга қушиб ҳисобланади. Пенсия ёшига келсак, бу масала ҳам узгармайди, яъни қарилик пенсияси эркакларга 60 ёшдан, аёлларга эса 55 ёшдан тайинланади.

Ўқитувчилар ва 3-руйхатда кузда тутилган маориф ходимларига 25 йил махсус стажга эга булганларида умумий талаб қилинганидан 5 йил илгарироқ пенсия тайинланади. Кўрсатиб ўтилган руйхатда кузда тутилган врач ва бошқа тиббий хизматчиларга пенсия тегишли ишларда — қишлоқ жойида 25 йил, шаҳар жойларида эса 30 йилдан кам булмаган стажга эга булганларида умумий талаб қилинганидан 5 йил илгари тайинланади.

Р. ХОЛМУРОДОВ,
Ижтимоий таъминот вазирлиги бўлим бошлиғи.

* * *

Уруши қатнашчисиман. Варшава яқинидаги жанглардан бирида чап кузимдан яраландим. Госпиталда даволаниб чиқишимга қарамай, кейинчалик кузим кўрмай қолди. Урушдан кейин эса госпиталнинг маълумотномасини йўқотиб қуйганлигим сабабли шу кунгача уруш ногиронлигига ўтолмай, уруш қатнашчиси сифатида пенсия олаяпман. Ҳарбий гувоҳномамда кузимдан ярадор булганлигим қайд этилган.

Ғ. ЖАЛИЛОВ,
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри.

Ҳозирги пайтда сиз уруш қатнашчиси гувоҳномаси, шу билан бирга ҳамма ҳарбий ҳужжатларингиз: ҳарбий китобчангиз, ҳарбий госпиталда ётганлигингиз тўғрисидаги маълумотнома, туман ҳарбий комиссариати бошлиғидан вилоят судтибэкспертиза бюросига ярадор булганлигингизни аниқлаш учун йулланма орқали олинган судтибэкспертиза хулосаси билан Тошкент шаҳар, Кафанов кучаси, 124-уйда жойлашган Марказий Ҳарбий-тиббиёт комиссиясига мурожаат қилишингиз лозим. Ҳужжатларингиз асосида жароҳатлар ҳақиқатда ҳарбий ҳаракатда олинганлиги аниқлангандан сунг, уруш ногирони булишингиз масаласи ижобий ҳал булади.

А. НАРЗИЕВ,
Ижтимоий таъминот вазири муовини.

Тошкент халқа йули устига урнатилган катта кўприк ёнида яна бир назорат пости очилди. Бу ерда Собир Раҳимов тумани давлат автомобиль назорати ходимлари пойтахтга кириб келаётган ва шаҳардан чиқиб кетаётган транспорт воситаларининг барчасини назорат қиладилар.

— Янги ДАН назорат постини очишдан мақсад, — дейди йул-патруль хизмати взвод сардори, милиция катта лейтенанти Собир Каримов — шаҳардан рухсатсиз ва ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган давлат бойликларини ва барча турдаги маҳсулотларни сақлаб қолишдир.

СУРАТЛАРДА: ДАН нозирлари (чапдан ўнга) Собир Каримов, Сайлов Турсунбоев ва Маъруф Абдуманноповлар постда ҳамиша хушёр; янги ДАН постининг кўриниши

Ҳолмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



1. — Ие, духтир юрак сумкада эмас-ку!

2. — Ҳой, даласи, учирсангиз-чи, анави шармандани...

3. — Ёпирай, Бозорбоймисан?

Абдуғаффор МАМАТОВ чизган суратлар.

● «Адолат» кузгусида

«ҚОЧОҚ» ОТАЛАР

Фарзандни дунёга келтиргач, уни боқишдан бош тортиб, қочиб юрган оталар ҳам топиларкан. Аслида бундай номард оталар вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун суд қарори билан маълум фоиз алимент (нафақа) тулашлари шарт.

Ҳуш, бу қандай қилиб қонунийлаштирилади? Масалан, уз ихтиёри билан алимент туловчилар даромадидан маълум қисмини ушлаб қолишликни сураб ишлаётган корхона бош ҳисобчисига ариза бериши керак. Унга кура ҳар ойда унинг маошидан маълум фоиз ушлаб қолинади. Агар паспортида алимент тулаш лозимлиги ҳақида белги (еки ёзув) қуйилган шахслар булса, маъмурият бу ҳақ да дархол судга хабар бериши лозим.

Қуқон шаҳар суди ижрочилари алиментчиларни аниқлашда жонбозлик кўрсатяпти. Уларни аниқлаб, бот-бот назорат қилиб бормоқдалар. Утган йилнинг биринчи чорагида 10 дан зиед ташкилот ҳисобчиси бу масалада совуққонлик қилгани учун қаттиқ огоҳлантириш олди. Уларга суд томонидан жарима солинди. Жумладан, Қуқон механика заводи ҳисобчиси Е. Ракитана, 126-қурилишмонтаж бошқармаси ҳисобчиси Р.Ахтамова, 26-жамгарма банки ҳисобчиси Г. Норматова «қочоқ» оталарнинг даромадини яшириб келганлар, улардан фоиз ажратишни узларига эп кўрмаганлар. Ваҳоланки, алиментни она билан бола интизорлик билан кутаётганини ҳаёлига ҳам келтирмаганлар.

Ҳеч қаерда ишламай, фойдали меҳнат билан машгул булмай, алиментни уз вақтида туламай юрган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатилади. Масалан, Қуқон суди томонидан алимент тулашдан қасддан бош тортиб юрган 16 нафар «қочоқ» отага нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шу йилнинг утган чорагида эса Қуқон шаҳар Амир Темур кучаси 5-а уйда яшовчи қочоқ ота Мансур Усмоновга, Баҳром Дусматовга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Шуни айтиб утиш жоизки, алимент миқдори бир нафар вояга етмаган фарзанд учун 25 фоизни, икки нафар бола учун 33 фоизни, уч ва ундан ортиқ бола булса 50 фоизни ташкил этади.

Вақтинчалик ишламаётган қарздорлардан эса қарз ҳисобига мол-мулкларидан ва агар даромади ҳақида маълумот булмагани тақдирда эса кам иш ҳақининг қонуний доирасида ундирилади. Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан бир ойлик даромадлари тугрисида давлат солиқ нозирлигидан олинган маълумотномага асосан алимент ундирилади.

Агар алимент туловчи қарздор булса, ишламасдан, алимент туламасдан, яшаш жойини маълум қилмасдан қочиб юрса, унга нисбатан қидирув эълон қилинади. У топилгунга қадар суд ажримига мувофиқ даъвогар яшаш жойи бўйича ижтимоий таъминот булимидан вақтинчалик алимент олиб туради. Қарздор топилгандан сунг, ундан алиментдан булган қарзи ва 10 фоизли давлат бўйича қарзлар шахсий молмулкидан ундирилади. Қарзларини қоплашга молу мулки етмаса, қарздорни кейинги иш ҳақидан ундирилади.

1995 йил 1 апреллдан бошлаб кучга кирган Узбекистон Республикасининг янги Жиноят Кодексида алиментни уз вақтида туламасдан еки қасддан бош тортиб юрган шахсларга ҳам тегишли жазо берилиши кузда тутилган: — Моддий ёрдамга муҳтож булган, вояга етмаган еки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун Суднинг ҳал қилувчи қарорига биноан ундирилиши лозим булган маблағларни жами булиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида туламаслик: — энг кам ойлик ҳақининг эллик бараваригача еки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишларига, ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади. Зеро, буни «қочоқ» оталарга яна бир бор эслатиб қуйишни лозим топдик. Қиссадан-ҳисса чиқармоқ эса виждонли одамнинг иши.

Абдуллажон АЗИЗОВ,
Расулжон ЎЛМАСОВ,
Қуқон шаҳар суди ижрочилари.
Акбаржон АҲМЕДОВ,
суд маслаҳатчиси.

ДЎСТЛИКДА «КИМ ОШДИ»

Жиззах вилояти кучмас мулк биржасининг Дустлик туманида булиб утган «Ким ошди» савдосига II та иншоат қуйилди. Иккинчи маротаба утказилган бу тадбирда ишбилармон ва тадбиркорлар қизгин иштирок этдилар. 190 минг сумга баҳоланган, «Фахрийлар» дукони туман дон маҳсулотлари комбинатига насиб қилди. Эндиликда корхона мулкига айланган мазкур савдо шохобчасида ун ва омухта ем аҳолига арзон нархда сотилмоқда. Савдода тумандаги «Наврўз» чойхонаси, аралаш моллар ва сут маҳсулотлари дуконлари ҳам сотилиб, ишбилармонларнинг қулига утди.

Хусусийлатириш давр талаби. Бу борада Дустлик туманида илк қадамлар қуйилмоқда. «Ким ошди» савдосидан маҳаллий бюджетга тушаётган маблағлар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга сарфланади.

Турдибой СОЙНАЗАРОВ.

ЭЪЛОН

«Адолат» газетасининг «Тижорат хизмати» фуқаролар ва ташкилотлардан эълон ва билдирувлар ва рекламалар қабул қилади.

Телефон: 33-41-89, 32-55-70.

02 Хабар қилади

МИСНИНГ «МИСИ» ЧИҚДИ

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида, аниқроғи «Узбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида содир булаётган ўғирликнинг олди олинди. Икки ишчи узаро хуфиёна тил бириктириб, бирлашмадан 180 килограмдан зиед мис симни умариб кетишаётганида тезкор гуруҳ томонидан ушланди. «Ўғирлик ош есанг, бир кун тош ейсан», — деганларидек, муттаҳамлар тош ўрнига сим тишлаб, тиш синдирдилар.

БИР ДАМЛИК ЖАҲОЛАТ — ДЕВОНАЛИКДИР

Уринсиз газаб — узинга азоб. Арзимаган келишмовчиликлар оқибатида газаб отига минган кишилар бир-бирлари билан жанжаллашиб, фожиали ҳодисаларни содир этишмоқда. Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида яшовчи фуқаро узаро келишмовчилик боис ҳамқишлоғи Х. М.ни кўкрак қисмига пичоқ санчиб, оғир яралади.

Бухоро туманида икки кишининг орасида содир булган узора тортишув туфайли Қораев уз дусти М. Р.ни қорин ва кўкрак қисимларига пичоқ уриб, ўлдириб қуйди. Бу билан «жаҳлдор»лар уз ҳаётларига ҳам зомин булдилар.

АЁЛ КИШИДАН ТЎППОНЧА ЧИҚСА-Я?

Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳрида милиция ходимлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар вақтида Матросов кучасида яшовчи бир ожизанинг уйидан қулда ясалган кичик калибирли тўппонча топиб олинди. Эндиликда бу аёл ушбу қуролни кимдан олганлиги ва нима мақсадда ғайри қонуний сақлаётганлиги ҳақида ички ишлар ходимларига батафсил сузлаб бермоқда.

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...

Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида бир номаълум кимса Норбоевга тегишли қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2106» русумли автомашинани ҳайдаб кочган эди. Сичиковлик билан олиб борилган тадбирлар натижасида жиноятни ҳеч қаерда ишламайдиган Пардаев содир этганлиги ошкор булди. Машина «ишқибози» энди қилмишга яраша жазо олди.

ҚОРАДОРИ ЮЗНИ ҚОРА ҚИЛДИ

Куза кунда эмас, кунида синади. Мумай бойлик орттириш илинжида юрганларнинг ҳоли ҳам вой булади. Тошкент тайёрагоҳида «Тошкент-Москва» йуналиши буйича учувчи самолет йуловчиси, қўйлиқлик Ким узининг қора ниятига етолмади. У махсус текширувдан утказилаётганда 670 грамм қора дори билан қўлга олинди.

Фарғона йули кучасида гумонсираб тухтатилган шаҳрисабзлик йигитнинг сумкасидан ҳам 700 граммдан ортиқ гиёҳванд моддаси борлиги маълум булди.

Рустам ТУРҒУНОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент—ГСП, Матбуотчилар кўчаси—32.

Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А—2 форматда, 10.000 нусхада чоп этилади.

Буюртма Г.—0187. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.